

МОВАРОУННАХР ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ МАКТАБЛАРИ ВА ИБН АЛ-АРАБИЙ ТАЪЛИМОТИ

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич,

Тошкент давлат шарқшунослик университети

“Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси” кафедраси доценти,

фалсафа фанлари доктори

jafarmuhammad@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ислом оламида “Шайх ул-акбар” номи билан шуҳрат қозонган ва ўзидан бой фалсафий-ирфоний мерос қолдирган буюк илоҳиётшунос, мутасаввиф, файласуф ва шоир, “Акбария” илмий-назарий тасаввуф мактаби асосчиси Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг (1165 – 1240) теологик-фалсафий таълимоти – “Ваҳдат ул-вужуд” аслида Ҳаким ат-Термизий (м. 820 – 932), Абу Наср Форобий (м. 873 – 950), Абу Али ибн Сино (м. 980 – 1037), Абў Исҳоқ Калободий (ваф.м. 991) ва Мустамлий Бухорий (ваф. ҳ.қ.434 / м. 1043) каби Мовароуннаҳр мутафаккирларининг диний-фалсафий қараишлари таъсири остида вужудга келган.

Мазкур мақолада Шайх ул-Акбар Ибн ал-Арабийнинг Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг таълимотлари ва Мовароуннаҳр тасаввуф мактабларига муносабати ва улардан таъсирланиши масаласи ислом фалсафий-ирфоний тафаккурининг гарбий ва шарқий йўналишлари ўртасидаги маданиятлараро мулоқоти доирасида таҳлил ва тадқиқ этилади.

***Калит сўзлар:** Ислом, тасаввуф, ирфон, теология, калом, диний-фалсафий тафаккур, таълимот, теологик таълимот, Мовароуннаҳр, фалсафий-ирфоний мактаблар, Ибн ал-Арабий, Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси, тажаллий, таъсир, муносабат, Марказий Осиё мутафаккирлари, Ҳаким ат-Термизий, Форобий, Ибн Сино.*

ФИЛОСОФСКО-СУФИЙСКИЕ ШКОЛЫ МАВЕРАННАХРА И УЧЕНИЕ ИБН АЛЬ-АРАБИ

Холмуминов Джафар Муҳаммадиевич,

доктор философских наук,

доцент кафедры «Истоковедения и герменевтики суфизма»

Ташкентского государственного университета востоковедения

jafarmuhammad@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Философско-теологическое учения Вахдат уль-Вуджуд («Единства бытия», «Единое бытия») великого богослова, мистика, философа и поэта, прославившийся в исламском мире как «Шейх уль-Акбар» – Мухйиддин ибн аль-Араби (1165 – 1240) на самом деле возникался под влиянием религиозных и философских взглядов великих мыслителей Мавераннахра, таких как Хаким ат-Термизи (ум. 820-932), Абу Наср аль-Фараби (ум. 873-950), Абу Али ибн Сина (ум. 980-1037), Абу Исхак Калабади (ум. 991).) и Мустамли Бухари (ум. 434 / м. 1043).

В данной статье в кратком образе рассматривается и анализируется вопрос отношение Ибн аль-Араби к учениями мыслителей Центральной Азии и суфийских школ Мавераннахра в рамках межкультурных диалогов между западных и восточных направлениях исламской философско-мистической мысли.

Ключевые слова: *Ислам, религиозно-философский мысль, суфизм, ирфан (исламский мистицизм), теология, калам (исламская теология), Мавераннахр, философско-суфийские школы, Ибн аль-Араби, философия Вахдат уль-вуджуд («Единства бытия», «Единое бытия»), таджалли (озарение), учения, влияние, отношение, Центральная Азия, мыслитель, Хаким ат-Термези, Фараби, Ибн Сина.*

THE PHILOSOFICAL-SUFI SCHOOLS OF MAVERANNAHR AND THE DOCTRINE OF IBN AL-ARABI

Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich,

Doctor of Philosophical sciences (DSc),

Tashkent State University of Oriental Studies,

associate professor of chair "Hermeneutics and Hermeneutics of Sufism"

jafarmuhammad@mail.ru

ABSTRACT

The philosophical and theological teachings of Wahdat ul-Wujud ("Unity of Being", "One Being") of the great theologian, mystic, philosopher and poet, who became famous in the Islamic world as "Sheikh ul-Akbar" - Muhyiddin ibn al-Arabi (1165 - 1240) actually arose under the influence of the religious and philosophical views of the great thinkers of Maverannahr, such as Hakim at-Termizi (d. 820-932), Abu Nasr al-Farabi (d. 873-950), Abu Ali ibn Sina (d. 980- 1037), Abu Ishak Kalabadi (d. 991).) and Mustamli Bukhari (d. 434 / m. 1043).

This article briefly examines and analyzes the issue of the attitude of Ibn al-Arabi to the teachings of the thinkers of Central Asia and the Sufi schools of Maverannah in the framework of intercultural dialogues between the western and eastern directions of Islamic philosophical and mystical thought.

Keywords: *religious and philosophical thought, Islam, Sufism, irfan (Islamic mysticism), theology, kalam (Islamic theology), Maverannah, philosophical-sufi school, Ibn al-Arabi, philosophy of Wahdat ul-wujud (“Unity of Being”, “One Being”), tajalli (insight), teachings, Central Asia, thinker, influence, attitude, Hakim at-Termezi, Farabi, Ibn Sina.*

Ибн ал-Арабий мактаби. Испан, форс, турк, лотин ва инглиз каби кўпгина Шарқ ва Ғарб тилларини яхши билган ва амалий фаолиятида улардан унумли фойдаланган Ибн ал-Арабий ўзидан жуда катта илмий-адабий мерос қолдирган. Унинг маънавий меросидан 200 таси бугунги кунгача етиб келган. Аммо унга том маънода шухрат келтирган икки асари – “Ал-Футуҳот ал-Маккия” (Макканинг очилиши; Макканинг фатҳ этилиши) ва “Фусус ул-ҳикам” (Ҳикмат дурдоналари; Ҳикмат гавҳарлари) буларнинг орасида алоҳида илмий аҳамиятга эга. Абдулваҳҳоб Шаъроний унинг асарлари сонини 400 дан ортиқ деб билса [19, Б.8], Мавлоно Жомий уларнинг сонини 500 дан ортиқ, дейди [5, Б.546]. Исмоил Пошшо Бағдодий эса Ибн ал-Арабийнинг 475 та асарини санаб ўтади [1, Б.114-121]. Олмон шарқшуноси Карл Брокельманнинг аниқлашича, уларнинг сони 150 жилдни ташкил этади [2, Б.571-582]. Эронлик тасаввуфшунос олим Муҳсин Жаҳонгирий эса Ибн ал-Арабийнинг 511 та асари рўйхатини келтиради [4, Б.108-134].

Олмон шарқшуноси Карл Брокельманн айтишича, “Фусус ул-ҳикам”нинг 35 та шарҳи бор, аммо “Ислом буюк доират ул-маорифи”да берилган маълумотларга кўра, Усмон Яҳё унга 120 та шарҳ ёзилганлигини таъкидлайди [6, Б.25]. В.В. Лавскийнинг таъкидлашича “Фусус ал-ҳикам”га 150 дан ортиқ шарҳлар ёзилган [13, Б.112]. Айтиш мумкинки, ислом фалсафий-ирфоний тафаккури тарихида бирор китоб “Фусус ул-ҳикам”чалик машҳур бўлган эмас.

Борлиқнинг бирлиги ва ягоналиги – *Ваҳдат ал-вужуд* таълимотининг асосчиси сифатида издошлари томонидан “Улуғ шайх”, “Афлотуннинг ўғли” деб ардоқланган Ибн Арабий таълимотининг ўзига хослиги шундаки, унда ғарбий ва шарқий тасаввуф анъаналари қоришиб кетган. Сўфий сифатида у рационализм ва схоластикага нисбатан интуитив билим – илоҳий файз афзаллигининг тарафдори эди. Унинг услуги асосини Қуръон ва Суннанинг мажозий тадқиқи, мутлақ қамровлилик ҳамда яхлитлилик ташкил этади.

Илоҳиёт соҳасида Ибн Арабий мистик-пантеист эди. Унинг асарларида худди ҳозирги замон теософияси каби теософик ва метафизик қарашлар, гоҳида ҳатто ақлга сиғмайдиган парадокслар қоришмаси ҳам мавжуд. У асос солган *Ваҳдат ул-вужуд таълимоти* ва *Илоҳий тажаллий* назарияси, *иймон*, *нубувват* ва *валоят* масалаларига оид қарашлари ҳалигача ҳам аҳли сунна вал-жамоа ва ҳам шиъа йўналишидаги уламолар доирасида катта илмий-ақидавий баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Ибн ал-Арабий Мовароуннаҳр фалсафий-ирфоний тафаккури таъсири остида

Шайх ул-Акбар Муҳйиддин Ибн ал-Арабий фалсафий-ирфоний таълимотининг кейинги даврдаги тасаввуфий таълимотларга таъсири масаласини ўрганиш жараёни *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафаси ва у билан алоқадор назариялар бўм-бўш майдонда вужудга келмаган экан, деган хулосани келтириб чиқарди. Бу борадаги тадқиқотлар Ибн ал-Арабий таълимотининг асл илдизлари биринчидан, ислом динининг бирламчи манбалари – Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга бориб тақалса, иккинчидан тасаввуф таълимоти таркибида “Ҳақимия” номли илк фалсафий-ирфоний мактаб очган Ҳақим ат-Термизий, Шарқ аристотелизми (машшо) намояндалари – Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино, Бухоро илмий-назарий тасаввуф мактаби намояндалари – Абўисҳоқ Калободий ва Мустамлий Бухорий томонидан яратилган фалсафий-ирфоний таълимотларга бориб тақалишини кўрсатади.

Ибн ал-Арабий ирфон фалсафасининг ўзидан олдинги буюк намояндаси – Ҳақим ат-Термизий таълимотини чуқур ўрганган, унинг асарларидан кўплаб иқтибослар келтирган. *Ваҳдат ал-вужуд* таълимоти асосчиси ўзининг “Футуҳот ал-Маккия” номли асарида 155 та диний-фалсафий саволга Ҳақим Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” китобига суянган ҳолда жавоблар ёзган. Айниқса, Ҳақим ат-Термизийнинг *нубувват* (пайғамбарлик), *валоят* (валийлик), *руъят* (уйғоқлик ва туш ўртасидаги ҳолат), *қалб* ва *нафс* ҳақидаги назарияларини қўллаб-қувватлаган ва янада такомиллаштирган.

Ибн ал-Арабий ўзининг “сўфийлик қомуси” деб аталган “Футуҳот ал-Маккия” асарини яратишда машҳур мутасаввифлар ва илоҳиётчилар қатори ат-Термизий асарларидан ҳам фойдалангани ҳақида Дж.С.Тримингэмнинг “Суфийские ордены” асарида қимматли маълумотлар берилган. Унда жумладан, шундай дейилган: “Ҳақим ат-Термизий ғоялари... Ибн ал-Арабийдек даҳо томонидан тикланмагунга қадар салкам хотиралардан ўчиб кетган эди” [15, Б.306]. Боязид Бистомий билан бир даврда яшаган, лекин лекин кўпроқ

назариётчи олим сифатида танилган Ҳаким ат-Термизийнинг ғояларидан таъсирланган Ибн ал-Арабий *нубувват* ва *валоят* тушунчаларини талқин этишда ҳам асосан унга таянган [15, Б.339]. Уларнинг ҳаёт ва фаолиятлари, илгари сурган ғояларининг бошқалар томонидан турлича талқин этилиши мисолида ҳам бир қанча ўхшашликларни кузатиш мумкин. Масалан, баъзи замондошлари ҳар иккисини ҳам одамларни зарарли бидъатга етаклашда, пайғамбарликни даъво этишда айблаганлар [16, Б.14; 7, Б.189]. Бу асоссиз ва мантиқсиз айбловлар Ҳаким ат-Термизий ва Ибн ал-Арабий издошлари, мухлислари ва тарафдорлари томонидан диний ва илмий жиҳатдан рад этилган. Жумладан, Ҳаким ат-Термизий таълимоти Абубакр Варроқ Термизий, Ибн ал-Арабий ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирлар томонидан қўллаб-қувватланган бўлса, Ибн ал-Арабий таълимоти ўз навбатида Садриддин Қунявий, Фахриддин Ироқий, Абдураззоқ Кошоний, Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Мавлоно Абдурахмон Жомий, Довуд Қайсарий, Камолиддин Ҳусайн Хоразмий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқалар томонидан нафақат қўллаб-қувватланди, балки шунингдек, давом эттирилди.

Ваҳдат ал-вужуд таълимотида “нур” ва “тажаллий” ғояларидан кенг фойдаланилади. Бу ғояни илк маротиба буюк мутафаккир ва мутасаввиф Ҳаким ат-Термизий Ибн ал-Арабийдан уч юз йил муқаддам ўртага ташлаб, жумладан, шундай деган эди: “Аллоҳнинг азаматлигидан уларга (хой-ҳавасдан покланганларга) нур жилва (тажаллий) қилди”; Буларнинг барчаси Аллоҳ нури тажаллийси баракотидан содир бўлганлиги тўғрисидаги ғоялари ҳам яна бир бор тасдиқлайди [8, Б.38].

Бундан ташқари Ибн ал-Арабий “Шарҳ ул-масоил ар-руҳонийа аллатий суила аънҳо ал-Ҳаким ат-Термизий” (Ал-Ҳаким ат-Термизийдан сўралган руҳий масалаларнинг шарҳи) номли махсус асар ҳам яратган. Демак, “буюк аллома Ибн ал-Арабий термизлик донишманд ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарлари ва таълимотига алоҳида эътибор берган ҳамда унинг бой илмий-маънавий меросини кейинги авлодларга етиб келишида бекиёс хизматлар қилган” [16, Б.26].

Ҳаким ат-Термизийнинг “нубувват” (набийлик, пайғамбарлик) ва “валоят” (валийлик, авлиёлик) масалалари хусусидаги, айниқса, унинг тасаввуфда валийликнинг муҳим ўрни ҳақидаги қарашлари кейинчалик ислом тафаккури тарихида Ибн ал-Арабий томонидан янада ривожлантирилди. Ҳатто ушбу масалага бағишланган бир қатор асарларида Ибн ал-Арабийнинг ал-Ҳаким ат-

Термизий рисолаларидан бутун-бутун саҳифаларни сўзма-сўз кўчириб келтирган ҳоллари ҳам кўзга ташланади [16, Б.36].

Ислом оламининг буюк файласуфи Абу Наср Форобий (872-950) илк маротиба “вужуд”, “вужуди вожиб” (вожиб ул-вужуд) ва “вужуди мумкин” (яратилган вужуд) каби кейинчалик *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасида кенг қўлланилган атамаларни фалсафий категориялар даражасига кўтарди. Форобийнинг *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасининг шаклланишига қўшган ҳиссасини қуйидаги икки ҳолатда қайд этиш мумкин:

а) Форобий “Вужуд” (борлиқшунослик) фалсафий мактаби тарафдори, балки бу мактабнинг асосчиси ҳам эди. Зеро унинг асарларида “Вожиб” (зарурят, зарурлик), “Мумкин” (яратилган) ўртасидаги фарқларни аниқлаш, шунингдек, *Вужуд* (Борлиқ)нинг вожиблигига оид масалалар илк маротиба ўртага ташланади.

б) Форобий биринчи бўлиб “фаъол ва салоҳиятли (қудратли) Ақл” масаласи, шунингдек, инсоний ақлнинг амалий (тажрибавий) ва назарий ақлга бўлиниши ҳақида сўз очди. Натижада, Абу Али Ибн Сино “ақлларнинг Биринчи ақл (Ақли аввал)дан тажаллий этиши (эманацияси)” ҳақидаги назарияни ривожлантирди.

Ислом фалсафаси тарихида илк маротаба “Фусус ул-ҳикам” номи билан фалсафий асар ёзишни ҳам Форобий бошлаб берган. У бу асарда фалсафа – рационализм ва тасаввуф – иррационализмни бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда “рационал далилларни эътироф этиб, аниқ ғояларни баён этиш орқали сўфийларнинг мақсадга эришиш йўллари фалсафанинг рационал билимларини чуқурлаштиришга кўмаклашувчи восита деб баҳолайди” [18, Б.71]. Форобий “Фусус ул-ҳикам”нинг бир неча бобида “вожиб” (Худонинг мавжудлиги зарурати), “имкон” (яратилиш, яратилган), ҳаюло (рационал фалсафа нуқтаи назаридан бутун борлиқдаги вужуд иккига бўлинади: Вожиб ал-вужуд ва Мумкин ал-вужуд. Вожиб ал-вужуд борлиғи ўзига тегишли бўлган Зот – Худодир. Мумкин ал-вужуд борлиғи Вожиб ал-вужудга боғлиқ бўлган, яъни, ўзидан бор бўлолмайдиган, муайян бир вақтда мавжуд бўлиб, муайян бар вақтда йўқ бўладиган вужуддир. Бу олам (дунё), табиат ва унинг ичидаги мавжудотлар, нарсалар ва ашёлар ҳисобланади. Олам жавҳар (субстанция) ва араз (акциденция)дан иборат. Араз ўз вужудида жавҳарга муҳтож. Унинг вужудидаги жавҳар эса беш қисмдан иборат: ҳаюло, кўриниш, жисм, ақл ва нафс. Ҳаюло кўриниш (сурат) унга кўчадиган ёки ўтадиган жавҳар ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳаюло сурат учун жой

(макон)дир. Масалан, ёғоч – ҳаюло, сурат – кўринишга эга бўлса, стол ёки стулга айланади. Ҳаюло билан сурат бири-бирига чамбарчас боғлиқ: улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди), Тангри таолонинг яккаю ягоналиги, ўз-ўзидан борлиги хусусида гапириб далиллар келтиради ва буни ақлий мушоҳада орқали исботлаб беради [18, Б.71]. Асарнинг барча бобларида Форобийнинг қалби битмас-туганмас ишқ нури билан порлаб туради ва Оятуллоҳ Ҳасанзода Омулий таъбири билан айтганда, “барча бобларни ўзаро боғлайдиган ҳалқа бўлиб, жами мавзуларнинг энг гўзали ҳисобланган муҳаббатга бағишланган” [12, Б.148].

Форобийнинг тасаввуфга бўлган қизиқиши ҳақида эронлик олим Аҳмад Тамимдорий шундай ёзади: “Форобий нафақат сиёсат ва фалсафа билан шуғулланди, балки тасаввуфда ҳам юксак даражага эришди. Буни унинг оддий аскетик турмуш тарзини кечиргани мисолида яққол кўриш мумкин. Перипатетик фалсафа (машоиюн; Мусулмон Шарқи файласуфлари; Шарқ аристотелизми – Ж.Х.) принциплари асосида яратилган “Фусус ул-ҳикам” китоби диний мистика назарияси (ирфон) йўналишини белгилаб беради” [14, Б.12].

А.Тамимдорийнинг ёзишича, Ибн Сино, ўз фалсафасини “Ҳикмат ул-Машриқия” (Шарқ ҳикмати; Шарқ фалсафаси – Ж.Х.) деб атади” [14, Б.14]. Ибн Синонинг фикрича, олам ва ундаги бор нарсалар мавжуд бўлиш имкониятига эга, аммо бунда ўзидан ўзи бор бўлган Вужудга муҳтождирлар [14, Б.15]. Ибн Синонинг “Ўзидан ўзи бор бўлган Вужудга муҳтож бўлмоқ” ғояси кейинчалик Ибн ал-Арабийнинг Ваҳдат ул-вужуд фалсафасида марказий ўринлардан бирини эгаллади.

Ибн Сино ҳам тасаввуф таълимотига бефарқ бўлмаган. Буни унинг Шайх Абусаид Абулхайр билан бўлиб ўтган суҳбати мисолида ҳам, умрининг охирида яратган “Ҳайй ибн Яқзон”, “Саломон ва Абсол”, “Рисола ат-тайр” ва “Рисола фил-ишқ” каби бир қатор фалсафий-мажозий асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. “Рисола ат-тайр” кейинчалик Шайх Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асари яратилишига замин яратган бўлиши ҳам мумкин. Ибн Сино оламнинг Аллоҳ таоло томонидан яратилишида Унинг нури жилва этгани ҳақидаги ғояни ўртага ташлаган.

Қуръони каримда келтирилган Аллоҳ таоло нурининг жилва этиши (Тур тоғига) масаласи илоҳий нурнинг қалбга тажаллий этиши тарзида илк маротиба IX асрнинг буюк мутасаввифи Ҳаким ат-Термизий асарларида кузатилса [10, Б.42], X асрда Бухоро назарий тасаввуф мактабининг йирик намояндалари –

Калободийнинг “Китоб ат-Таъарруф”, Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳи ат-Таъарруф ли мазҳаб ит-тасаввуф” номли асарларида “тажаллий” масаласи алоҳида бир назария, тасаввуфнинг муҳим тушунча ва категорияларидан бири сифатида махсус бобда ёритилади [3].

Таниқли тасаввуфшунос олим Н. Комиловнинг фикрича, буюк мутасаввиф Шайх Фаридиддин Аттор (1145-1221) *Ваҳдат ул-вужуд* ғояларини кичик замондоши – Ибн ал-Арабий китоблари ҳали Эрону Хуросонда тарқалмасдан олдин ўз асарларида ифодалаган эди. Шу нуқтаи назардан, Атторни *Ваҳдат ул-вужуд* таълимотининг асосчиларидан деб ҳисоблаш мумкин [9, Б.53].

ХУЛОСА

Испаниянинг Андалусия воҳасида туғилган Шайх ул-акбар Муҳйиддин Ибн ал-Арабий тасаввуф идеаллари таъсири остида ижтимоий фаолиятлардан эрта воз кечиб, сўфийликни қабул қилди. Дунёқараши сўфийлар тафаккури таъсири остида шаклланди, ўзига устоз – пир излаб Андалусия ва Шимолий Африка мамлакатларини кезди, Кичик Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарларга чиқди. 30 ёшларидаёқ фалсафий ва ирфоний фанларга қобилияти, билимдонлиги ва гўзал хулқ-одоби билан сўфийлар орасида юксак ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. Аммо унинг фалсафий-ирфоний дунёқараши Мусулмон Шарқи мутафаккирлари, айниқса, Мовароуннаҳр ва Хуросон сўфийлари ва файласуфларининг таълимотлари асосида шаклланди. Жумладан, у асос солган *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасининг илмий-назарий илдизлари ундан олдин яшаб ижод этган Мовароуннаҳр мутафаккирларининг таълимотларидан озикланган экан, деган қатъий хулосага келиш мумкин.

REFERENCES

1. Бағдодий, Исмоил Пошшо. Ҳадят ул-ориғийн. 2-ж. – Истамбул, 1951. Bagdadi, Ismail Poshsho. Hadyat al-`arifin. 2. – Istanbul, 1951.
2. Brockelmann, Carl. Geschichte Der Arabischen Litteratur, Volume 1 (German Edition). 2011. P. 571-582.
3. بخاري، خواجه امام ابو ابراهيم اسماعيل محمد مستملي. شرح التعرف لمذهب التصوف. ربع چهارم، مقدمه، تصحيح و تحشيه ي محمد روشن، تهران، 1366
Бухорий, Хожа Имом Абу Иброҳим Исмоил бин Муҳаммад Мустамлий. Шарҳ ат-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф. Рубъи чаҳорум. Бо муқаддима ва тасҳеҳи Муҳаммад Равшан. – Техрон: “Асотир”, 1363.
4. جهانگيري، محسن محيي الدين ابن العربي چهره ي برجسته ي عرفان اسلامي. انتشارات دانشگاه تهران، 1375 ه.ش

Jahangiri, Mohsen. Mohyi al-din ibn `Arabi, The distinguished figure of Islamic Mysticism. – Tehran University Press, 2004.

5. جامي، عبدالرحمن. نفحات الانس. به كوشش محمد عابدي. تهران، 1370 هـ.ش.

Jami, Abdurahman. Nafahat al-ons. – Tehran, 1337.

6. Жузжоний, Абдулҳаким Шаръий. Тасаввуф ва инсон. – Т.: “Адолат”, 2001.

7. Каримов Э. Кубравийский вакф XVII-XIX вв.: письменные источники по истории сўфийского братства Кубравийа в Средней Азии. – Т.: “Фан”, 2008.

8. Кенжабек М. Термиз тазкираси. – Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.

9. Комилов, Нажмиддин. Тасаввуф. Иккинчи китоб: Тавҳид асрори. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти; "Ўзбекистон". 1999.

10. Муҳаммад Ҳаким Термизий рисоалари. Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши. Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Термизий. Нафс одоби. Нафс риёзати. Касб – тирикчилик баёни. Таржимон: Жўрабек Чўтматов. – Т.: “Movarounnahr”, 2017.

11. Нишопурий, Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё Муқаддимаси. / Форсийдан Мирзо Кенжабек таржимаси. // “Сино”, 2002, №8. – Б.47.

12. Омулий, Оятуллоҳ Ҳасанзода. Нусус ул-ҳикам. – Теҳрон, 1365.

13. Суфийская мудрость. Тўпловчи: В.В.Лавский. – М.: “Март”, 2007.

14. Тамимдари, Ахмад. История персидской литературы. – Санкт-Петербург: Петербургское Востоковедение, 2007.

15. Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – М.: София ИД Гелиос, 2002.

16. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: “Маънавият”, 2014.

17. Хидевжам, Хусайн. Муқаддима. / Абунаср Форобий. Эҳсо ул-улум. – Теҳрон: Интишороти Илм ва фарҳанг, 1364 х.к.

Хидевжам, Хусайн. Предисловие. / Абу Наср Фараби. Эҳса уль-улум. – Тегерен: Наука и культура, х.1364.

18. Хотамий, Саййид Муҳаммад. Ислом тафаккури тарихидан. / Таржимон Н.Қодирзода. – Т.: “Минҳож”, 2003.

Хатами, Сеййид Муҳаммад. Из истории исламской мысли. / Перев. Н.Кадирзаде. – Т.: “Минҳадж”, 2003.

19. Шаъроний, Абдулваҳҳоб. Ал-явоқит в-ал-жавоҳир. 1-ж. – Миср, 1343.

Sha`rani, Abd al-vahhab. Al-yavaqit va-l-javahir. 1. – Egypt, 1343.